



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ
БОШҚАРМАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА
САВДО ВАЗИРЛИГИ



Uzbekistan

БМТ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
ВАКОЛАТХОНАСИ

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ



ТОШКЕНТ – НАМАНГАН – 2014

УЎК 334.722(575.1)

65.261.4

3-23

Закиров З.

Якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ солишнинг хусусиятлари бўйича қўлланма / З.Н.Зокиров, А.Х. Кучкаров – Тошкент: Baktria press, 2014. – 32 б.

Мазкур қўлланмада юридик шахс ташкил этмаган ҳолда якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, унинг солиққа тортилиши тартиби ва хусусиятлари, мавжуд имтиёзлар ва мажбуриятлар бўйича амалий маълумот келтирилган.

КБК 65.9(5)09

Тузувчилар: З.Зокиров, Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармасининг ходими.
А.Кучкаров, БМТ Тараққиёт Дастури компонентининг раҳбари

«Савдо ривожланишига кўмаклашиш»
компонентининг асосий мақсади - ички
ва ташқи бозорга қаратилган савдонинг
ривожланишига кўмак бериш орқали
инсон фаровонлигини оширишига
қаратилган иқтисодий ўсишга эришишдир.



Лойиҳа Финляндия Ташқи ишлар
вазирлиги ҳамкорлиги ва молиявий
ёрдами асосида амалга оширилмоқда

Қўлланманинг электрон нусхаси БМТТД Ўзбекистондаги ваколатхонасининг Интернетдаги www.uz.undp.org сайтларида жойлаштирилган.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:

«Савдо ривожланишига кўмаклашиш» компоненти.

116003 Наманган ш., Н. Номонгоний кўчаси, 24, 1-чи қават

Тел.: +998 (69) 227 8663

Мазкур нашр муаллифлари томонидан билдирилган фикрлар БМТ, жумладан, БМТТД ва БМТга аъзо давлатларнинг расмий нуқтаи назарларига мос келмаслиги мумкин.

Ушбу қўлланмани тайёрлаш жараёнида 2014 йил 1 март ҳолатига амалдаги Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидан фойдаланилган. Қўлланмада келтирилган изоҳлардан фақат маълумот сифатида фойдаланиш лозим ва амалдаги қонунчилик ва қоидалар билан танишган ва малакали мутахассис билан маслаҳатлашган ҳолда иш тутишингиз сўралади.

Ушбу нашр БМТТД ва Ўзбекистон ҳукумати қўшма лойиҳаси томонидан тайёрланган.

ISBN 978-9943-4280-5-8

© БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

© Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги

© Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси

© Baktria Press

МУНДАРИЖА

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	4
Кириш.....	4
Якка тартибдаги тадбиркор ўзи ким?	4
Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби қандай?	5
Солиқ ҳисоблаш тартиби қандай?	8
Якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиқ ставкалари қандай?	11
Солиқ ҳисоботлари	13
Якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари	14
Солиқ имтиёзлари	20
Солиқ назорати	21
Айрим тоифадаги жисмоний шахслар учун суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	21
Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини вақтинча тўхтатиш ва солиқ ҳамда суғурта бадал ҳисобланишини тўхтатиш тартиби.....	22
Фаолиятни тугатиш	22
Тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмаган ҳолда ҳужжатсиз равишда фаолият юритилишига нисбатан кўриладиган чора	23
Солиқ тўловчи тақвими.....	23
Илова №1 - Жисмоний шахс - якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза-хабарнома наъмунаси	25
Илова №2 - Оилавий тадбиркорлик субъекти сифатида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза-хабарнома наъмунаси.....	26
Илова № 3 – Якка тартибдаги тадбиркор (юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалиги)ни давлат рўйхатидан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳнома намунаси	28
Илова №4 – Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳнома намунаси	29
Илова №5 – Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтиш учун ариза намунаси	30
Илова №6 – Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома намунаси	31
Илова № 7 – Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидалардан ўтиши карточкаси намунаси	32

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Кириш

Маълумки, тадбиркорлик фаолияти солиқ назорати ўрнатилган ҳолда амалга оширилиши лозим. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти юритиш учун юридик шахс ёки жисмоний шахс бўлган ҳолда юритиш мумкин. Ҳар бир шаклнинг - юридик шахс ёки жисмоний шахс – ўзига яраша қийинчиликлари ва афзалликлари бор. Юридик шахс ташкил этиш учун малакавий ёрдам ва билим зарур бўлгани учун, тадбиркорлик фаолиятини жисмоний шахс сифатида якка тартибда тадбиркорлик билан бошлаш маъқул.

Ўзбекистонда якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган жисмоний шахсларга давлат томонидан бир қатор қулайлик ва имтиёзлар белгилаб берилган.

Якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият олиб бориш жараёнида тадбиркорларда уларни фаолиятини солиққа тортиш бўйича бир қатор саволлар юзага келиши табиий ҳолдир. Чунончи, якка тартибдаги тадбиркор ўзи ким? Уни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби қандай? Унинг фаолияти солиққа тортилиши тартиби қандай? Қандай имтиёзлар ва мажбуриятлар мавжуд?

Кейинги ўринларда ушбу масалалар ва якка тартибдаги тадбиркорликни солиққа тортиш хусусиятлари юзасидан аниқлик киритишга ҳаракат қиламиз.

Якка тартибдаги тадбиркор ўзи ким?



Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 18 моддасига кўра **якка тартибдаги тадбиркор** тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, мустақил равишда, ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширувчи **жисмоний шахсдир**.

*Яъни, агар сиз тикувчилик билан шуғулланиш учун якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган бўлсангиз, ёлланма ишчиларни жалб қилган ҳолда фаолият олиб боришингиз **мумкин эмас**.*

Лекин, агар сиз **хунарманд** - якка тартибдаги тадбиркор сифатида (якка тартибдаги тадбиркор бўлиб рўйхатдан ўтиб ва Хунарманд Уюшмасига аъзо бўлиб) хунармандчилик фаолиятини амалга оширсангиз, унда сиз товарлар тайёрлаш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун кўпи билан беш нафар шогирдни жалб этишингиз мумкин.

(Асос: Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида Қонуни (янги таҳрири), 6 модда)

Агарда сиз **оила аъзоларингиз** билан бирга фаолият юритмоқчи бўлсангиз, якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, якка тартибдаги фаолиятнинг оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширишингиз, шунингдек **оила аъзоларингизни биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи, деб оила аъзолари** кўрсатиб ўтишингиз зарур.

Шу билан бир қаторда, оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан **доимий ходимлар** ёллашга йўл қўйилмайди.

(Асос: Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сон қарори билан тасдиқланган “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги” Низом, 4 ва 8 хатбоши)

Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби қандай?

Якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги **иккита усулда** амалга оширилади:



1 усул: Жисмоний шахс томонидан ўз яшаш жойидаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига келган ҳолда ёки почта алоқаси орқали якка тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш ариза-хабарномаси тақдим этилади ва рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларни бир вақтда солиқ ва статистика органларида бевосита жалб этмаган ҳолда ҳисобга қўйиш орқали амалга оширилади.


2013 йил ноябр ойидан бошлаб, давлат рўйхатидан ўтиш Интернет орқали ҳам амалга ошириш мумкин¹.

Тадбиркорлик субъектларини электрон ҳужжатлар ёрдамида рўйхатга олиш Интерактив давлат хизматларининг ягона порталидаги фойдаланувчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади. Интернет орқали тақдим этилаётган ҳужжатларга аризачининг электрон рақамли имзоси қўйилган бўлиши лозим.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сонли қарори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида»ги Низоми.)

Якка тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш учун жисмоний шахс томонидан ўз яшаш жойидаги Инспекцияга келган ҳолда, почта алоқаси ёки Интернет орқали ариза-хабарнома тақдим этилади (ариза-хабарнома намунасини 1-иловада кўринг).

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 ноябрдаги ПҚ-2066-сонли қарори билан “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида”ги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.



Ариза-хабарномага қуйидагилар илова қилинади:

- 3x4 см ўлчамдаги иккита фотосурат;
- давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати;
- икки нусхада муҳр ва штамп эскизлари (якка тадбиркор хоҳишига кўра);
- паспорт нусхаси.

Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш учун оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрувчи жисмоний шахс ўз яшаш жойидаги Инспекцияга келган ҳолда, почта алоқаси ёки Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза-хабарнома тақдим этилади (ариза-хабарнома намунасини 2-иловада кўринг).

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза-хабарномага қуйидагилар илова қилинади:

- юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларининг 3 x 4 см ўлчамдаги иккитадан фотосурати;
- давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати;
- икки нусхада муҳр ва штамп эскизлари (юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектининг хоҳишига кўра);
- паспортлар нусхалари ва юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларининг қариндошлик даражасини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун давлат божи ундирилади. Унинг ставкалари маҳаллий ҳокимият томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилан чегара (максимал) ставкаларидан ошмаган ҳолда, ўрнатилади. Ҳозирги кунда давлат божи ставкаси **энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараварини** ташкил этади.

Бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларидан давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун давлат божи белгиланган ставканинг 20 фоизи миқдорида ундирилади.

Ариза-хабарнома, барча зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда тақдим этилган пайтдан бошлаб, тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, унга давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришгача ўтадиган муддат кўпи билан **икки иш кунини** ташкил қилади (3 ва 4-чи иловаларга қаранг).

Хабардор қилиш тартиби тақдим этилган ҳужжатлар асосида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, **тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг тезлаштирилган таомили** ҳисобланади.

Мазкур тартиб ер майдонлари ажратиб бериш, газ ва электр тармоқларига улаш тўғрисида, шунингдек лицензияланадиган фаолият турлари бўйича қарор талаб этиладиган тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишга татбиқ этилмайди.

Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳномани бериш муддати

2 кун

Шу билан бир қаторда, агарда сиз юридик шахс ташкил этмасдан, якка тадбиркорлар сифатида тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келиш фаолиятини юритмоқчи бўлсангиз, 2-чи бу тартиб билан эмас балки 2-чи усул билан давлат рўйхатидан ўтишингиз лозим бўлади. Бундай ҳолатда давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарори билан тасдиқланган Низом билан тартибга солинади (**2-чи усулга қаранг**).

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш учун назарда тутилган ҳужжатлар, Интернет тармоғи орқали бир нусхада тақдим қилиниши мумкин ва мурожаат этувчининг электрон рақамли имзоси билан имзоланади. Қоғозда расмийлаштирилган ва (ёки) берилган ҳужжатларни сканерланган шаклда тақдим этишга йўл қўйилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан талаб қилинган электрон ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, уларнинг асл нусхаларини мурожаат этувчи Интернет тармоғи орқали тақдим этишга ҳақли.



2-чи усул. Агарда тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келиб тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлсангиз, давлат рўйхатидан ўтказиш яшаш жойингиздаги бўйича шахсан келган ҳолда Давлат солиқ инспекциясида шахсан келганиз ҳолда амалга оширилади.

(Асос: Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сонли қарори билан тасдиқланган «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низом.)

Якка тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш учун жисмоний шахс яшайдиган жойидаги Давлат солиқ инспекциясида шахсан келиб ёки Интернет тармоғи орқали ариза тақдим этади (**№5 иловага қаранг**).

Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган тақдирда улар ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан имзоланади. Қоғозларда расмийлаштирилган ва (ёки) берилган қилинган ҳужжатларни сканер қилинган шаклда тақдим этишингиз мумкин.

Аризага қўйидагилар илова қилинади:

- 3x4 ўлчамли тўртта фотосурат;
- давлат божи тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати;
- якка тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотнома-тасдиқномаси;
- муҳр ва штамп эскизлари икки нусхада.

Ариза берилаётганда паспорт кўрсатилади. Агар, Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказилса, паспорт кўрсатилмайди.

Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун **энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари** миқдорида давлат божи ундирилади. Қабул қилинган қарор натижасидан қатъий назар, давлат божи қайтарилмайди.

Давлат рўйхатидан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказиш рад этилиши сабаблари

кўрсатилган қарор зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб, **уч кундан** кечикмай Давлат солиқ инспекцияси томонидан қабул қилинади.

Ариза берилгандан кейин етти кун мобайнида Давлат солиқ инспекцияси жисмоний шахсга қўйидагиларни тақдим этади:

- белгиланган шакл бўйича тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани (**Илова №6**) ёки ёзма равишдаги сабаблари кўрсатилган рад жавобини;
- белгиланган шакл бўйича тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидалардан ўтиши карточкасини (**Илова №7**);
- давлат солиқ инспекциясининг муҳри билан тасдиқланган муҳр ва штамп эскизининг бир нусхаси.

Якка тадбиркорга электрон шаклда бериладиган ҳужжатлар (тасдиқланган муҳр ва штамп эскизидан ташқари) давлат солиқ инспекцияси ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси билан имзоланади. Ариза берувчи, шунингдек ўз сўровига кўра қоғозларда расмийлаштирилган тегишли ҳужжатларни шахсан келиб олиши ҳам мумкин.

Ариза берувчи (якка тартибдаги тадбиркор) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир ой мобайнида:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтиши;
- 2) божхона органларида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтиши;
- 3) тижорат банкида талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақами очиши шарт.

Шуни инобатга олиш лозимки, якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома фақат рўйхатдан ўтиш (рухсат бериш) тартиботларидан ўтишнинг белгиланган тартибда расмийлаштирилган карточкаси мавжуд бўлган тақдирда, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

Карточка давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб бир йил мобайнида, лекин ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчисининг Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан берилган гувоҳноманинг амал қилиш муддатидан кўп бўлмаган муддатда амал қилади.

Агар фаолият тури ўзгарса, якка тартибдаги тадбиркор тегишли давлат солиқ инспекциясига Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани ва рўйхатдан ўтиш (рухсат бериш) тартиботларидан ўтиш карточкасини топшириши зарур.

Солиқ ҳисоблаш тартиби қандай?

Амалдаги солиқ қонунчилигига асосан, якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилади. Солиқ Кодексининг 350 моддасига асосан, якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқ тўловчи сифатида белгиланадилар.



Қатъий белгиланган солиқ якка тартибдаги тадбиркорларга икки хилда ҳисобланади.

Биринчиси, якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолият тури ва фаолиятни амалга ошириш жойи учун белгиланган ставкалардан келиб чиқиб, энг кам иш ҳақиға қаррали миқдорларда ҳар ой учун ҳисобланади.

Иккинчиси, фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларга мазкур **фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан** келиб чиққан ҳолда солиқ ҳисобланади. Масалан, болалар ўйин автоматлари фаолияти бўйича **ҳар бир жиҳозланган ўринлар сонига** фаолиятни амалга ошириш жойи учун белгиланган ставкалардан келиб чиқиб, энг кам иш ҳақиға қаррали миқдорларда ҳар ой учун ҳисобланади.

Муҳим: Якка тартибдаги тадбиркор фаолиятининг бир неча тури билан шуғулланган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолиятининг ҳар бир тури учун мазкур турдаги фаолиятга нисбатан белгиланган ставкалар **бўйича алоҳида-алоҳида ҳисобланади**.

Якка тартибдаги тадбиркор фаолиятининг бир неча тури билан шуғулланган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолиятининг ҳар бир тури учун мазкур турдаги фаолиятга нисбатан белгиланган ставкалар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисобланади.

Савол:

Ҳокимиятдан чакана савдога “патент” олганман, шу “патент” бўйича ҳозир текстил маҳсулотлари сотаман. Кийим-кечак билан бирга кассанинг олдида пул ўтқазуш йўли (“перечисление”) билан «Чупа-чупс», «Фрутел» каби оз миқдорда ширинлик маҳсулотларини сотишим мумкинми?

Жавоб:

Якка тартибдаги тадбиркорлар озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини чакана сотиш (турғун шохобчаларда аралаш савдо қилиш) фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Агар, якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномангизда озиқ-овқат товарларини чакана сотилиши кўрсатилмаган бўлса, туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясидан қайта рўйхатдан ўтиб, гувоҳномадаги фаолият турини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини чакана сотиш (турғун шохобчаларда аралаш савдо қилиш) фаолиятига ўзгартирган ҳолда, белгиланган тартибда ушбу фаолият турини амалга оширишингиз мумкин.

(Асос: Вазирлар Мақамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сонли қарори билан тасдиқланган Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати.)

Агар фаолият амалга оширилган жой учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари давлат рўйхатидан ўтказилган жой учун белгиланган ставкалардан фарқ қилса, қатъий белгиланган солиқ энг юқори ставка бўйича тўланади.

Мисол:

Наманган вилоят Чуст туманида давлат рўйхатидан ўтган ноозиқ-овқат товарлари билан чакана савдо қилувчи якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини Наманган шаҳрида амалга оширган тақдирда, Наманган шаҳрига белгиланган энг кам иш ҳақининг 6.5 баравари миқдоридаги ставка бўйича қатъий солиқ тўлайди. Агар ушбу тадбиркор Тўракурғон туманида фаолиятини амалга оширса, энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдоридаги ставка бўйича солиқ тўлайди.

Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар Солиқ кодексининг 311-моддасига асосан, ҳар ойда энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда **суғурта бадалларини** мажбурий тартибда тўлашлари қайд этилган.

Муҳим: Якка тартибдаги тадбиркор ҳар ойда энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда **суғурта бадали** тўлаши шарт!

Агар, якка тартибдаги тадбиркор фаолиятининг бир неча тури билан шуғулланса, унга суғурта бадали ҳар бир фаолият тури учун ҳисобланмасдан, энг кам иш ҳақи миқдорида ҳисобланади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар қуйидаги миқдорларда суғурта бадалларини тўлайдилар:

якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси — **ойига энг кам иш ҳақидан** кам бўлмаган миқдорда;

оиланинг бошқа аъзолари (ўн саккиз ёшга тўлмаганлар бундан мустасно) — **ойига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи** миқдорида.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга ошираётган оила аъзолари учун **суғурта бадалининг миқдори унинг белгиланган миқдорининг камида 50 фоизини** ташкил этиши керак.

Солиқ кодексининг 375 ва 311 моддаларига асосан, қатъий белгиланган солиқ ва суғурта бадали тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 25-кунидан кечиктирмай ҳар ойда тўланади.

Солиқ кодексининг 373-моддасига мувофиқ, якка тартибдаги тадбиркорлар якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш доирасида қатъий белгиланган солиқ тўлаш билан бир қаторда қуйидагиларни тўлайдилар:

- 1) божхона тўловлари;
- 2) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар - фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича фаолиятни амалга оширганда;
- 3) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ - сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда;
- 4) акциз солиғи - акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда;
- 5) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;
- 6) давлат божи;

7) автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

Агар якка тартибдаги тадбиркорлар солиқ солинадиган мол-мулкка ва (ёки) ер участкасига эга бўлсалар, ушбу Солиқ кодекснинг 48, 50-бобларида назарда тутилган тартибда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва (ёки) жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш мажбурияти уларнинг зиммасида сақланиб қолади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиқ ставкалари қандай?

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган йиллик солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан белгиланади.

2014 йил солиқ ставкалари 2013 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2099-сонли қарорининг 10-11-иловаларида белгиланган. Хусусан, 10-иловада фаолиятнинг айрим тури, яъни болалар ўйин автоматлари фаолияти учун, 11-иловада эса чакана савдо, маиший, сартарошлик хизматлари, автомобиль транспортида юк ташишга оид хизматлар ҳамда бошқа фаолият турлари учун солиқ ставкалар белгиланган.



Жумладан, 2014 йил учун белгиланган солиқ ставкалари қуйидагича:

Жадвал 1					
Тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича юридик ва жисмоний шахсларга қатъий белгиланган солиқ ставкалари					
Фаолият тури	Солиқ тўловчилар	Мазкур фаолият тури-ни характерловчи физик кўрсаткичлар	Физик кўрсаткич бирлигига ҳар ойда қатъий белгиланган солиқ ставкаси (энг кам иш ҳақиға қаррала микдорларда)		
			Тошкент ш.	Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	Бошқа аҳоли пунктлари
Болалар ўйин автматлари	Юридик ва жисмоний шахслар	Жиҳозланган ўринлар сони (бирликда)	3,0	2,0	1,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сон қарорининг 10-иловасига асосан					

Жадвал 2

Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)дан олинадиган қатъий белгиланган солиқ СТАВКАЛАРИ

№	Фаолият тури	Қатъий белгиланган солиқнинг бир ойдаги ставкаси (энг кам иш ҳақиға каррали миқдорларда)		
		Тошкент ш.	Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	Бошқа аҳоли пунктлари
1.	Чакана савдо: озиқ-овқат товарлари билан	9,0	6,0	3,0
	деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан*	5,0	4,0	2,0
	нооziқ-овқат товарлари билан	10,0	6,5	3,0
	газета, журнал ва китоб маҳсулотлари билан	5,0	3,0	0,5
	озиқ-овқат ва нооziқ-овқат товарлари билан (турғун шохобчалардаги аралаш савдо)	10,0	6,5	3,0
2.	Маиший хизматлар, 3-бандда кўрсатилганлардан ташқари	3,5	1,5	0,5
3.	Сартарошлик хизматлари, маникюр, педикюр, косметолог хизматлари ва бошқа шунга ўхшаш хизматлар	4,0	2,0	1,0
4.	Ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш, шу жумладан миллий ширинликлар ва нон-булка маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш, шунингдек уй шароитларида ёки жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг қарори билан махсус ажратилган жойларда ўтириш жойлари ташкил қилмасдан, доналаб сотиладиган овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш ва сотиш	2,0	1,5	1,0
5.	Бошқа фаолият турлари	2,0	1,5	1,0
6.	Автомобиль транспортида юк ташишга оид хизматлар:			
	3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	2,0		
	8 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	3,0		
	8 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	4,0		

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сон қарорининг 11-иловасига асосан

**) Уй хўжалиги, шу жумладан деҳқон хўжалигида парваришланган ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларни хом ёки қайта ишланган ҳолда, саноатда қайта ишлашдан ташқари, табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини, манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлардан ташқари, сотиш бундан мустасно.*

Солиқ солишдан озод этиш солиқ тўловчига тегишли давлат ҳокимиятининг жойлардаги органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкати бошқаруви томонидан берилган, реализация қилинган маҳсулот солиқ тўловчи томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжатни тақдим этган тақдирда амалга оширилади.

Ушбу қарорга асосан, қатъий белгиланган солиқнинг ставкаси йил бошидаги энг кам иш ҳақи миқдори, яъни 96105 (2014 йил учун) сўмдан келиб чиқиб ҳисобланади ва энг кам иш ҳақи миқдори йил давомида ўзгарганда, қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Бундан ташқари, жисмоний шахс:

а) бир нечта фаолият тури билан шуғулланса, ҳар бир фаолият тури учун алоҳида-алоҳида солиқ тўлайди;

б) тадбиркорлик фаолиятини ижарага олинган ускуналар ва бинода амалга оширилса, яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ижарага берувчи тўғрисида маълумотнома (ахборот) тақдим этилиши керак;

в) давлат рўйхатидан ўтказилмаган жойда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширилса, солиқни рўйхатдан ўтказилган жойда ва фаолиятни ҳақиқатда амалга ошираётган жойда белгиланган ставкалар орасидаги энг юқори ставка бўйича рўйхатдан ўтказилган жой бўйича тўлайди.

Агар жисмоний шахс мол-мулкни ижарага беришдан даромад олса, унда у давлат томонидан белгиланган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкалари бўйича солиқ тўлайди.

Солиқ ҳисоботлари

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан солиқ идораларига ҳисобот тақдим этишларига тўхталадиган бўлсак, Солиқ кодексининг 374-моддасига мувофиқ, савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ҳар чорак якуни бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай, шунингдек, тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб кирадиган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ҳар ой якуни бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот тақдим этилиши лозим (тақвимга қаранг)

Солиқ кодексининг 372-моддасига мувофиқ, фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар янги ташкил қилинган вақтда давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай, кейинчалик ҳисобот йилининг 15 январигача солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот тақдим этишлари лозим.

Шунингдек, солиқ солиш объекти ўзгарган тақдирда, фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар аниқлик киритилган ҳисоб-китобни навбатдаги тўловни тўлаш муддатидан кечиктирмай тақдим этишлари шарт.

Якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари

Якка тартибдаги тадбиркорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сонли қарори билан тасдиқланган «Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати»даги фаолият турларини амалга оширишлари лозим.

Улар:

Жадвал 3	
Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати	
Т/р	Фаолият турининг номи
I	Чакана савдо:
1	Озиқ-овқат товарлари билан чакана савдо қилиш (ўсимлик мойи, алкогольли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини сотишдан ташқари)
2	Деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чакана сотиш
3	Нооziқ-овқат товарларини чакана сотиш (нефть маҳсулотларининг барча турларини, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар ёхуд бундай материаллар қўлланилган буюмларни, аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни, янги импорт автомобиллар ва фармацевтика товарларини сотиш бундан мустасно)
3-1.	Газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш
4	Озиқ-овқат ва нооziқ-овқат товарларини чакана сотиш (турғун шохобчаларда аралаш савдо қилиш)
5	Товарларни импорт қилиш ва чакана сотиш*
II	Қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхат бўйича ҳунармандчилик фаолияти
III	Маиший хизматлар, II бўлимда назарда тутилганларидан ташқари:
6	Сартарошлик хизматлари, маникюр, педикюр, косметолог хизматлари ва шунга ўхшаш бошқа хизматлар
7	Кир ювиш, қуруқ ва кимёвий тозалашни ташкил этиш, шунингдек дазмоллаш хизматлари
8	Гилам ва гилам буюмларини таъмирлаш ва тозалаш
9	Тикув, мўйна, чарм ва трикотаж буюмларни, бош кийимларни, тўқимачилик галантереясидан тикилган буюмларни таъмирлаш ва тикиш, шу жумладан дераза ва эшик пардалари тикиш, трикотаж буюмларни тўқиш.
10	Ҳайвонлар терилари, мўйна, тўқимачилик, чарм буюмлар ва бошқа буюмларни ошлаш ва бўйаш

11	Якка буюртмалар бўйича пойабзални тайёрлаш ва тикиш, пойабзални таъмирлаш, бўяш ва тозалаш
12	Атторлик буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш
13	Бижутерия ва жевакларни тайёрлаш ва таъмирлаш
14	Калитларни тайёрлаш
15	Металл ва тунука буюмларни тайёрлаш ва таъмирлаш
16	Мотам гулчамбарлари, сунъий ранглар, гирляндни тайёрлаш
17	Тўсиқлар, ҳайкаллар, металлдан ясалган гулчамбарларни тайёрлаш ва таъмирлаш
18	Ёғочдан (мебелдан ташқари) ва алюминий (пластик) профилдан эшик, дераза ва бошқа буюмларни тайёрлаш.
19	Инвентарни (хўжалик, спорт, балиқчилик ва ҳоказо инвентарь) таъмирлаш ва тайёрлаш
20	Кесувчи буюмлар ва асбобларни чархлаш
21	Мебелни йиғиш ва таъмирлаш
22	Муסיқа асбобларини таъмирлаш ва созлаш
23	Якка буюртма бўйича қимматбаҳо металллардан ва тошлардан заргарлик буюмларини ясаш, шунингдек заргарлик буюмларини таъмирлаш
24	Оптика, соатларни таъмирлаш ва ўймакорлик ишлари
25	Радиоэлектрон аппаратлар, маиший машиналар, маиший приборлар, офис машиналари ва ҳисоблаш техникасини таъмирлаш, ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш
26	Транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, шу жумладан транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш хизматларининг бошқа турлари (акустик тизимлар ва қўриқлаш сигналларини таъмирлаш ва ўрнатиш, ювиш, текислаш, кузовга ҳимоя ва безак қопламалари қоплаш, салонни тозалаш ва шунга ўхшаш бошқа хизматлар)
27	Санитария-техника хизматлари ва пайвандлаш ишлари
28	Шиша ва ойналарни қирқиш, шишага бадий ишлов бериш
29	Бинология ойна ўрнатиш хизматлари
30	Жамоат ҳожатхоналари хизматлари
31	Ҳаммом ва сауна хизматлари
32	Турар жойларни йиғиштириш хизматлари
33	Ҳовлилар ва боғларга қараш хизматлари, шунингдек кўкаламзорлаштириш ишлари
34	Боғлар, полизлар ва дов-дарахтларни зараркундалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш
35	Видеога олиш ва фотосуратга олиш хизматлари
35-1	Хўжалик моллари ва уй-рўзғор буюмларини (мебель, идиш-товоқлар, хўжалик, спорт, балиқчилик анжомлари, маиший техника, приборлар ва бошқаларни) ижарага бериш.

IV	Фаолиятнинг бошқа турлари:
36	Миллий ширинликлар, нон-булка ва қандолатчилик маҳсулотлари, поп-корн, фрезер-да музқаймоқ, салатлар ва тузламалар тайёрлаш ва сотиш, шунингдек уй шароитларида ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ажратилган махсус жойларда ўтириш жойлари ташкил этмасдан, доналаб сотиладиган таомларнинг айрим турларини тайёрлаш.
37	Ўлчов воситалари тайёрлаш ва уларни прокатга бериш
38	Қурилиш, таъмирлаш ва безаш бўйича алоҳида ишларни бажариш (капитал қурилиш, қурилиш-монтаж ишлари бўйича юридик шахсларга хизмат кўрсатишдан ташқари)
39	Репетиторлик хизматлари
40	Таржима хизматлари, таҳрир хизматлари
41	Болаларнинг ўйинчоқ автоматлари билан боғлиқ хизматлар
42	Ахборотнинг криптографик ҳимояси воситаларини лойиҳалаш, яратиш, ишлаб чиқариш, сотиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш
43	Дизайн бўйича хизматлар (график, интерьер, мебель ва ҳоказолар), чизмачилик-графика ишлари, шунингдек рассомлик санъати
44	Компьютер дастурларини ишлаб чиқиш хизматлари, компьютер ўйинларини ташкил этиш, шунингдек компьютер ёрдамида матнларни териш ва босиб чиқариш хизматлари, матндан нусха олиш ва кўпайтириш билан боғлиқ хизматлар
45	Ташриф қоғозлари ва таклифнома билетларини тайёрлаш ва босиш
46	Муқовалаш ишлари
47	Рекламани ишлаб чиқиш ва жойлаштириш
48	Суғурта агентлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар
49	Тўйлар, юбилейлар ва бошқа тантаналарда концерт хизматини кўрсатиш
50	Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастрол-концерт фаолиятини амалга ошириш
51	Тантанали маросимларни ташкил этиш хизматлари (тўй, юбилей, туғилган кун ва ҳоказолар)
52	Кўйлак ва костюмларни, шунингдек уларга аксессуарларни прокатга бериш
53	Ижтимоий хизматлар (болалар, беморлар ва кекса кишиларга қараш хизматлари)
54	Жисмоний тарбия-соғломлаштириш фаолияти (шейпинг, аэробика, спорт секциялари, саломатлик гуруҳлари), тренерлик хизматлари
55	Тўғарақлар ташкил этиш ва юритиш
56	Тулумни шишириш хизматлари (таксидермик ишлар)
57	Тегирмонларда донни майдалаш (тозалаш) хизматлари
58	Мол сўйиш хизматлари
59	Уй ҳайвонларига қараш хизматлари

60	Ветеринария фаолияти
61	Юкларни автомобиль транспортида ташиш
62	Йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш
63	Ўсимлик, ҳайвонлар ва минераллардан тайёрланган доривор хом ашёни етиштириш, йиғиштириш, тайёрлаш, қадоқлаш ва улгуржи сотиш
64	Гуллар ва декоратив дарахтлар етиштириш ва сотиш
65	Аквариум балиқлари, декоратив қушлар ва бошқа ҳайвонларни кўпайтириш ва сотиш
66	Шиша идишлар ва иккиламчи хом ашёни қабул қилиш хизматлари (металл чиқиндиларидан ташқари)
67.	Риэлторлик фаолияти.
68.	Жисмоний ва юридик шахсларга махсус техникадан (тракторлар, автокранлар, бульдозерлар, экскаваторлар ва бошқалардан) фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатиш.
69.	Илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар учун пудрат шартнома-си бўйича ишларни бажариш.
70.	Матрицали принтерлар ва алфавит-рақам ёзадиган қурилмалар учун бўёвчи тасмаларни тайёрлаш ва қайта ишлаш.
71.	Қоғозлар ва скоросшивателлар учун конвертлар, папкалар тайёрлаш.
72.	Телекоммуникациялар операторларига, провайдерларига воситачилик хизматлари кўрсатиш (салоҳиятли абонентларни излаш, абонентлар ёки хизматлар кўрсатувчилар билан абонентлик шартномаларини тузиш ва уларга маълумот-ахборот хизмати кўрсатиш, хизмат кўрсатувчиларнинг хизмати учун тўловларни қабул қилиш).
73.	Ташкилотлар учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (хом сут, сабзавотлар, мевалар, асал, тери ва мўйна) тайёрлаш бўйича хизматлар.
74.	Пахта (илгари истеъмолда бўлган) ва жун тозалаш ҳамда титиш хизматлари.
Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарорига 1-илова Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати	

**Товарларнинг турлари туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан бериладиган чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган рухсатномада, шунингдек давлат солиқ хизмати органлари томонидан берилган тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмасдан, ташкил этилган якка тадбиркорнинг рўйхатдан ўтказиш (рухсат бериш) тартиботлари варақасида кўрсатилади.*

Изоҳ. Агар якка тадбиркор фаолиятнинг асосий турига нисбатан ёрдамчи ҳисобланган фаолиятни амалга оширса, қатъий белгиланган солиқ фаолиятнинг бир тури учун тўланади.

Ушбу Рўйхатга киритилган фаолият турлари юридик шахс шаклидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ушбу Рўйхат доирасида ўз фаолиятини амалга оширадиган хусусий тадбиркорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишлари мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 мартдаги «Халқ бадий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3588-сонли фармони билан тасдиқланган ҳунармандчиликнинг асосий 25 та фаолият турлари рўйхати тасдиқланган бўлиб, яқка тартибдаги тадбиркорлар ушбу фаолият турларини «Ҳунарманд» уюшмасига аъзо бўлган ҳолда амалга оширишлари мумкин.

Халқ бадий ҳунармандчиликлари ва амалий-безак санъати буюмлари асосий турларининг янгиланган Рўйхати		
№	Асосий турлари	Ишлаб чиқариш буюмларнинг турлари
1.	Ганч ўймакорлиги	Кандил; бра; кўзгу; давра; овал ва бурчак шаклидаги нақшлар; сталактит; мукарнас (фриз); карниз, устун бўлаклари; панжара; хайкалча; намоён; шифт ва девор безаклари ва асослари; ганчдан ясалган архитектура ва қурилиш элементлари ва ганчдан ясалган амалий безак маҳсулотлари.
2.	Ёғоч ўймакорлиги	Ёғоч ўймакорлиги услубида ясалган барча амалий безак маҳсулотлари
3.	Суяк ўймакорлиги	Ёдгорлик совғалар; майда хайкалчалар, нецке; қутичалар; пичоқ, қилич, ханжарларнинг соплари; суяқдан безак берган ҳолда тайёрланган маҳсулотлар ва суяқдан ясалган бошқа амалий безак маҳсулотлари.
4.	Тош ўймакорлиги	Ёдгорлик совғалар; майда хайкалчалар; нецке; қутичалар; ёзув дастгоҳлари; зинапоя тутқич устунлари; зинапоя тутқичи; шамдон; намоён; рельеф; контррельеф; барельеф; давлат рамзлари; геральдика; қимматбаҳо ва оддий тошлардан ясалган тақинчоқлар ва тошдан ясалган бошқа амалий безак маҳсулотлари
5.	Ёғочдан халқ ҳунармандчилиги буюмлари яшаш	Ошхона анжомлари (ўқлов, туздон, нон қути, жўва, кели, ош тахта, чакич); ёғоч ва фанерадан тайёрланган ҳар хил ҳунармандчилик маҳсулотлари; беланчаклар; болалар аравачаси; бешик ва унинг анжомлари; хонтахта; сандиқ; эшик; ром; безакли рейкалар; сурат учун ромлар (багет); токарлик ускунасида тайёрланган ҳар хил шаклли ҳунармандчилик маҳсулотлари; муаллифлик ва миллий услубида ясалган мебель; нарда; шахмат тахтаси ва донаси; намоён ва ёғочдан қўлда ясалган маҳсулотлар
6.	Металл ва тунукадан буюмлар яшаш	Гулдор ва жимжимадор тарнов ва трубалар; қуйма буюмлар (эшик ва дераза тутқичлари, илгак, занжир, қўнғироқ, шамдон ва бошқалар); ошхона анжомлари; уй рўзгор буюмлари (ошиқ-мошиқ, кетмон, теша ва х.к.), ёғоч, тош ва ганч ўймакорлиги учун асбоб-ускуналар, ёдгорлик совғалар ва қўлда ишланган бошқа маҳсулотлар.
7.	Қилич, ханжар ва пичоқ яшаш	Миллий услубида ясалган барча турдаги қилич, ханжар ва пичоқлар
8.	Зарб, ўйма тасвир (чеканка) усулда ясалган буюмлар	Мис, латун, алюминийдан ясалган буюмлар (чайнак, қумғон, офтоба, обдаста, чойидиш, лаган, пиёла, ликопча, патнис, гулдон, чилим, шамдон, кандил, бра, скоба, эшик халқалари, эшик ва ром ошиқ-мошиқлари, тутқичлар, занжирлар, қуббалар, қулф; пичоқ, қилич ва ханжар дасталари ва қинлари; ошхона анжомлари ва бошқалар) ва бошқа кандакорлик (мисгарлик) маҳсулотлари
9.	Чинни (фарфор), сопол ва ганчдан буюмлар яшаш	Халқ амалий безак ва ҳунармандчилик услубида ишланган барча чинни, фаянс ва кулопчилик буюмлари; архитектура безаклари, нақшин ва туширилган нақш (трафарет) услубида чинни, фаянс ва кулопчилик буюмларга безак бериш; тандир.

10.	Қимматбаҳо металл-лардан заргарлик буюмлари ясаш	Қонунга мувофиқ пробали ва тамғаланиши шарт бўлган қимматбаҳо металл-лар олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳига тааллуқли моддалар (палладий, иридий, радий, рутений, осмий) дан ижодий устахоналарда муаллифлик ва миллий услубда ясалган заргарлик буюмлари
11.	Қўлда гилам тўқиш	Гилам ва гиламчалар, полос, хуржун, наматли буюмлар, шолча, жойнамоз, ўтов, жулхирс (узун патли гилам), буғжамол, напращ.
12.	Қўлда газлама ва тўқма буюмлар тўқиш	Атлас; беқасам; адрас; салла; табиий ипак; пахта, жун ва сунъий ипдан тўқилган газламалар; қўл ва ускуна услубда тўқилган буюмлар (момик ва жунли рўмол, перчатка ва қўлқоп, журоб, пайпок, бош кийимлар ва бошқалар).
13.	Шиша буюмлар тайёрлаш	Бра, майда хайкалчалар, ёдгорлик буюмлар, тақинчоқлар (туморлар, тасбехлар, мунчоқлар) ва бошқалар
14.	Зардўзлик буюмлари тикиш	Зардўзлик услубида тайёрланган барча турдаги ҳунармандчилик маҳсулотлари
15.	Каштачилик, каштадўзлик	Қўлда ва ускунада бажарилган барча турдаги ҳунармандчилик маҳсулотлари
16.	Матога гул босиш ва чокли буюмлар тикиш	Хар хил матоларга гул босиш усулида бажарилган барча ҳунармандчилик маҳсулотлари, миллий кийимлар, кўрпа ва кўрпачалар, ёстиклар (лўла болиш), белбоғлар, жияклар, сумкалар ва бошқа чокли ҳунармандчилик маҳсулотлари
17.	Миллий халат (чопон) ва бош кийимлар тайёрлаш	Халатлар (чопон, яктак, нимча, болалар чопони, тўй чопони); дўппилар; телпаклар; салла; мўйна, қоракўл ва қўлда тўқилган матолар ишланган бош кийимлар
18.	Муסיқа асбоблари ясаш	Қўлда ва ускунада бажарилган барча турдаги ҳунармандчилик маҳсулотлари
19.	Миниатюрали, расмли (тасвири), орнаментли (нақшли) ва сирли безаклар бериш	Деворда, қоғозда, холстда, чармда, матода, тош қоғоз (папье-маше)да, ёғочда, қовоқда, картонда, суякда, сирланган буюмларда ишланган миниатюра, ранг тасвир ва наққошлик услубида маҳсулотлар
20.	Ҳажмли ва фигурали (шаклдор) қолип (андозали) қуйма буюмлар ясаш	Табиий ва сунъий қурилиш хом ашёларидан қуйма услубда ишланган буюмлар (шарафа, муқарнас, рамка, карниз, қандил, бра, давра, овал ва бурчак гуллари, устун ва бошқалар); архитектура безаклари ва барча турдаги мис, бронза, чўян, алюминийдан қўлда, қуйма услубда ишланган ҳунармандчилик маҳсулотлари.
21.	Кичик ҳайкалчалар ясаш	Табиий ва сунъий хом ашёлар (ганч, шамот, мис, бронза, алюминий, суяк, ёғоч, тош, сопол, чинни, фаянс ва бошқалар) дан ясалган барча майда хайкалтарошлик буюмлари
22.	Ўйинчоқлар ясаш	Ёғоч, металл, ганч, мато, сопол ва бошқа табиий ҳамда сунъий хом ашёлардан ясалган ўйинчоқлар ва қўғирчоқлар.
23.	Новдалардан буюмлар тўқиш	Ўсимлик новдалари (қамиш, тол, похол, тол новдалари ва бошқа хар хил дарахт новдалари)дан тўқилган ҳунармандчилик маҳсулотлари
24.	Теридан буюмлар ва оёқ кийимлари тикиш	Аёллар махси ва ковуши; эркаклар махси ва ковуши; брезент, кирза ва намат этиклар; аёллар учун сандал; тапичкалар ва қўлда тикилган туфлилар; эгар-жабдуғ анжомлари; арқон ва арқон анжомлари; чармли бўйибоғ, белбоғ, қайиш ва уларнинг анжомлари; қўлда тери ошлаш ва ундан миллий услубда ишланган нимча.
25.	Совға (сувенир) эс-далиқ буюмлари тайёрлаш	Табиий ва сунъий хом ашёлардан тайёрланган ёдгорлик ва совға буюмлари (тумор, тасбех, мунчоқ, зирак, узук, билакузук, тақинчоқлар, камар, кўкрак нишонлари ва бошқалар).
2005 йил 28 март № ПФ-3588 сонли Президент Фармонида 1-чи Илова.		

Солиқ имтиёзлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-4210-сонли фармони асосан, **«Хунарманд» уюшмасига аъзолари бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилган.**

Ушбу солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 декабрдаги ПФ-4589-сонли фармони асосан 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-1754-сонли қарорига асосан, 2012 йилнинг 2-чорагидан бошлаб, **қишлоқ жойлардаги маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар** (сартарошлар, тикувчилар, пойафзал, маиший техника таъмирлаш бўйича усталар ва бошқалар) **3 йил муддатига ҳамда қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жой қурилиши асосида барпо этилаётган массивларда кирхона хизматларини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар 5 йил муддатига қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилган.**

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 390-моддасига асосан, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун давлат божи тўловчи жисмоний шахслар мазкур фаолият тури бўйича қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилганлар.

Ким	Қандай солиқ	Қанча вақт мобайнига	Асос
Якка тартибдаги тадбиркор - «Хунарманд» уюшмаси аъзоси (ПФ-3588-сонли фармони билан тасдиқланган хунармандчиликнинг асосий 25 та фаолият турлари рўйхати бўйича)	қатъий белгиланган солиқ	«Хунарманд» уюшмасининг аъзоси бўлиш даврида, лекин 2017 йил 1 январигача	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 мартдаги «Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3588-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 декабрдаги ПФ-4589-сонли фармони
Қишлоқ жойлардаги маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар	қатъий белгиланган солиқ	3 йил	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-1754-сонли қарори
Қишлоқ жойларда кирхона хизматларини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар	қатъий белгиланган солиқ	5 йил	

Солиқ назорати

Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 сентябрда 1712-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) мувофиқ, назорат қилувчи органлар Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши, Кенгашнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳар ҳудудий комиссиялари рухсатлари асосида текширадилар.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг қонунчиликда белгиланган ваколатлари доирасида **бир кун** давомида режадан ташқари қисқа муддатли, муқобил ёки назорат тартибида текширишлар шаклида амалга оширилиши мумкин.

Истисно тариқасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан якка тартибдаги тадбиркорларнинг молиявий ва товар ҳужжатларини текшириш зарурати бўлган ҳолларда, камерал назорати натижасида аниқланган солиқ қонунчилиги бузилиши ҳолатлари асосида, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарори билан якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини бундан кўпроқ, лекин **5 иш кунидан** ошмаган муддатда текшириш ўтказиш кўзда тутилиши мумкин.

Айрим тоифадаги жисмоний шахслар учун суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, якка тартибдаги тадбиркорлар суғурта бадалларини мажбурий тартибда ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда тўлайди.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари суғурта бадалларини ихтиёрийлик асосида йилига энг кам иш ҳақининг 4.5 бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайди. Белгиланган миқдордаги суғурта бадалларининг тўланиши **деҳқон хўжалиги** аъзосининг **меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб, ҳисобга олинади.**

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **оилавий тадбиркорлик** шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар қуйидаги миқдорларда суғурта бадалларини тўлайдилар:

- якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси - ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда;
- оиланинг бошқа аъзолари (ўн саккиз ёшга тўлмаганлар бундан мустасно) - ойига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида.

(Асос: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 311-модда).

Суғурта бадалларини тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

1. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари томонидан ҳар ойда, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 25-кунидан кечиктирмай;

2. Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон ҳўжаликларининг аъзолари - ҳисобот йилининг 1 октябригача.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга ошираётган оила аъзоларининг суғурта бадалларини тўлаш мажбурияти оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрадиган якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосининг зиммасига юклатилади.

(Асос: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 311-моддаси).

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини вақтинча тўхтатиш ва солиқ ҳамда суғурта бадал ҳисобланишини тўхтатиш тартиби

Агар якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатса, у ўз фаолиятини тўхтатгунига қадар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани топширади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисидаги аризани ва унинг давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномасини олган, тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширадиган орган солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда ахборот тақдим этади.

Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисида тақдим қилинган ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган ахборот якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

(Асос: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 373-моддаси)

Фаолиятни тугатиш

“Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги” низомга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630 –сон қарори билан тасдиқланган), жисмоний шахс фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш унинг рўйхатдан ўтказган органга тақдим этган аризаси асосида амалга оширилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1) давлат солиқ хизмати органининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисидаги хулосаси. Хулоса давлат солиқ хизмати органи томонидан тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс мурожаат қилгандан кейин икки иш кунидан кечиктирмай, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар мавжуд бўлганда эса — улар тўлангандан кейин икки иш кунидан кечиктирмай берилади;

2) муҳр ва штамплар, агар улар мавжуд бўлса;

3) барча лицензиялар (рухсатномалар)нинг асл нусхалари, агар улар мавжуд бўлса;

- 4) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- 5) банкларда ҳисоб рақамлари очилмаганлиги тўғрисидаги хат ёки, агар мавжуд бўлса, асосий ҳисоб рақами ёпилгани тўғрисидаги банк маълумотномаси.

Тадбиркорлик субъекти сифатида фаолиятининг тўхтатилиши жисмоний шахсни кредиторлар олдидаги унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятларидан озод қилмайди.

Тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмаган ҳолда ҳужжатсиз равишда фаолият юритилишига нисбатан солиқ идоралари томонидан кўриладиган чора

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги 1675-ПҚ қарорига мувофиқ 2012 йил 1 январдан бошлаб ўрнатилган тартибга асосан, жисмоний шахслар томонидан яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият кўрсатиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органларига тегишли фаолият тури бўйича бир йил учун ҳисобланган қатъий белгиланган солиқни ундириш ҳуқуқи берилган.

Агар жисмоний шахс давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият кўрсатаётганлиги аниқланган санадан бошлаб ўттиз кун ичида белгиланган тартибда яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтса, бундай жисмоний шахсга ҳисобланган йиллик қатъий белгиланган солиқ суммасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда ушбу давр учун қатъий белгиланган солиқ бўйича келгусидаги солиқ мажбуриятлари ўрнига ўн икки ой мобайнида тўлаш ҳуқуқи берилади.

Мисол:

Наманган шаҳрида 2013 йилнинг август ойида Шарипов Алишер тегишли ҳужжатларсиз чакана савдо-сотиқ фаолияти юритганлиги аниқланиб, ДСИ ходимлари томонидан унга нисбатан энг кам иш ҳақининг 6,5 баробари миқдорида бир йўла ўн икки ой учун 6207,2 минг сўм қатъий солиқ ҳисобланган.

Бундан ташқари солиқ идоралари томонидан тупланган ҳужжатлар таалукчилиги бўйича суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга юборилади.

Солиқ тўловчи тақвими

Хар ой:

10 – тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб кирадиган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аввалги ой якуни бўйича ҳисобот;

25 – тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ой учун қатъий белгиланган солиқ ва суғурта бадали тўланиши лозим (ойда ишлаган кунлари сонидан қатъи назар)

Январь

10 – Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан IV чорак якуни бўйича ҳисобот

Апрель

10 – Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан I чорак якуни бўйича ҳисобот

Июль

10 – Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан II чорак якуни бўйича ҳисобот

Октябрь

1 – Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари суғурта бадалларини тўловлари

10 – Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан III чорак якуни бўйича ҳисобот.

Илова №1
Жисмоний шахс - якка тартибдаги тадбиркор сифатида
давлат рўйхатидан ўтказиш учун
ариза-хабарнома наъмунаси

_____ Га
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)
_____ Дан
(ариза берувчининг Ф.И.О.)

АРИЗА-ХАБАРНОМА

_____ муддатга
(жисмоний шахс - якка тартибдаги тадбиркор томонидан тўлдирилади)

(фаолият амалга ошириладиган жой)
_____ ни амалга ошириш учун
(фаолият тури)
_____ сифатида
(якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ташкил этилмаган деҳқон хўжалиги)

юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтказишингизни сўрайман.

Якка тартибдаги тадбиркор, деҳқон хўжалиги бошлиғи тўғрисидаги маълумотлар:

Ф.И.О. _____

Паспортга оид маълумотлар: _____
(серияси, тартиб рақами, ким томонидан ва қачон берилган)

Уй манзили: _____

Почта индекси: _____ Мулоқот телефони: _____

Аризачининг электрон манзили: _____

Ариза-хабарномага қўшимча равишда илова қилинадиган ҳужжатлар*:

1. _____

2. _____

3. _____

(тўлдирилган сана ва вақт)

(қабул қилиниб олинган сана ва вақт)

(ариза берувчи фуқаронинг имзоси)

(рўйхатдан ўтказувчи органни масъул
ходимининг имзоси)

Илова №2

Оилавий тадбиркорлик субъекти сифатида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза-хабарнома наъмунаси

_____ Кимга
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)
_____ дан
(аризачининг Ф.И.О.)

АРИЗА-ХАБАРНОМА

_____ муддатга
(оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрувчи жисмоний шахс томонидан тўлдирилади)

_____ ни
(фаолият амалга ошириладиган жой)

_____ ни
(фаолият тури)

амалга ошириш учун **оилавий тадбиркорлик субъекти** сифатида юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтказишингизни илтимос қиламан.

Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари тўғрисидаги маълумотлар:

Оилавий тадбиркорлик субъекти
номидан иш кўрувчи шахснинг
Ф.И.О. _____

Паспортга оид маълумотлар: _____
(серияси, тартиб рақами, ким томонидан ва қачон берилган)

СТИР (бор бўлганда) _____

Уй манзили: _____

Почта индекси: _____ Мулоқот телефони _____

Аризачининг электрон манзили: _____

Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оиланинг бошқа аъзолари:

Т/р	Ф.И.О.	Қариндошлик даражаси	Паспортга оид маълумотлар (16 ёшгача бўлган шахслар учун - туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг маълумотлари) (серияси, тартиб рақами, ким томонидан ва қачон берилган)	СТИР*

**) Бор бўлганда тўлдирилади.*

Ариза-хабарномага қўшимча равишда илова қилинадиган ҳужжатлар**:

1. _____
2. _____
3. _____

***) Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарорига илова).*

(тўлдирилган сана ва вақт)

(ариза берувчи фуқаронинг имзоси)

(қабул қилиб олинган сана ва вақт)

(рўйхатдан ўтказувчи органни масъул
ходимининг имзоси)

Илова № 3

Якка тартибдаги тадбиркор (юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалиги)ни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома намунаси*

Реестрдаги тартиб рақами _____
_____ й. " _____ "

N 0000000

Якка тартибдаги тадбиркор ёки деҳқон хўжалиги бошлиғининг фамилияси, исми, отасининг исми _____

Паспорт серияси _____ тартиб рақами _____

_____ томонидан _____ й. " _____ " _____ да берилган.

Уй манзили: _____


Амалга ошириладиган фаолият тури: _____

Фаолият амалга ошириладиган жой: _____

_____ й. " _____ " _____ гача амал қилади.**

Солиқ тўловчининг идентификация рақами

Изоҳ***:



фотосурат
ўрни****

М.Ў.

Ваколатли орган раҳбари _____
(имзо)

*) Номига рўйхатдан ўтказиладиган тадбиркорлик субъекти тури (якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалиги) кўрсатилади.

**) Фақат якка тартибдаги тадбиркорлар учун.

***) Деҳқон хўжаликлари учун ажратиладиган ер участкаси ва унинг майдони кўрсатилади.

****) Юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликларига жорий этилмайди.

Илова №4

Якка тартибдаги тадбиркорни
давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида
гувоҳнома намунаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НАМАНГАН
ВИЛОЯТИ НАМАНГАН ШАХАР
ХОКИМЛИГИ

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРНИ
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ
ТЎҒРИСИДА



Фаолиятни амалга ошириладиган жойи:
**Наманган шаҳар, Шохимардон
кўчаси, 25 уй**

ГУВОҲНОМА

Реестрдаги тартиб рақами - 12345
2013 йил 03 феврал

Фамилияси **Муминова**
Исми **Насиба**
Отасининг исми **Амировна**
Амалга оширадиган фаолнинг тури
**Гулчамбарлар, сунъий ранглар,
гирлянд тайёрлаш**

СН сериядаги **1234567** - сонли
паспорт **2008** йил **26** майда
Наманган шаҳар ИИБ
томонидан берилган

Уй манзили: Наманган вилояти,
**Наманган шаҳар,
Марғилон 2-берк кўчаси, 1-уй**

Гувоҳнома рақами **12345**
СТИР (ИНН) коди: **123456789**

Эслатма: Мазкур ҳужжатни
қалбақлаштириши таъқиқланади.
Муддатни тугаган гувоҳнома ҳақиқий эмас

Фотосурат

МУҲР

Инспекция
бошлиғининг имзоси

Гувоҳнома 2016 й.
31 январгача
амал қилади

Илова №5

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан утиш учун ариза намунаси

(рўйхатдан ўтказувчи солиқ органининг номи)
туманининг давлат солиқ инспекцияси бошлиғи
_____ **га**
(ДСИ бошлиғининг Ф.И.О.)
_____ **дан**
(ариза берувчининг Ф.И.О.)

АРИЗА

200 _____ йил “ _____ ” _____ гача бўлган муддатга тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи сифатида юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтказишингизни илтимос қиламан.

Ўзим ҳақимда қуйидагиларни маълум қиламан:

Паспорт: серияси _____ № _____ _____ томонидан _____ да берилган
Уй манзили _____
_____ телефон рақами _____

Аризага қуйидаги ҳужжатларни илова қиламан:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____

_____ сана

_____ (ариза берувчининг имзоси)

_____ (ариза қабул қилинган сана)

_____ (рўйхатдан ўтказувчи органи масъул ходимининг имзоси)

**Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни
олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги
тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида
гувоҳномаси**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси



**Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни
олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги
тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида**

ГУВОҲНОМА* А № 000001

№ _____ 201 _____ йил _____ “ _____ “

(якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф. И. О.)

Солиқ тўловчининг идентификация рақами

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Паспорт серияси _____

томонидан

да берилган

(туман шаҳар) ДСИ бошлиғи

(Ф. И. О.)

_____ 201 ____ й. “ ____ “ _____ М.Ў.

(имзо)

Фотосурат

_____ 201 ____ й. “ ____ “ _____ гача ҳақиқийдир

МУҲР

*) Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтиш (рухсат бериш) тартиботларидан ўтиш карточкасиз фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилмайди.

Илова № 7

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидалардан ўтиши карточкиси

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидалардан ўтиш ____ - сонли карточкиси*

____ туман (шаҳри) давлат солиқ Сана: ____
инспекцияси томонидан ____
га берилди (якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О.)
Паспорт: серия ____ № ____
томонидан ____ да
берилган
Солиқ тўловчининг идентификация рақами ____
Фаолият тури: чакана савдо қилиш ҳуқуқи билан экспорт-импорт операциялари

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган ва 200__ «__» ____ гача муддатга гувоҳнома берилган

____ (Ф.И.О.) ____ (имзо)
№ ____ 200__ й. «__» ____ МЎ

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган

____ (Ф.И.О.) ____ (имзо)
№ ____ 200__ й. «__» ____ МЎ

3. ____ тижорат банкида ____
(тижорат банкининг номи)
ҳисоб рақами очилган банк коди ____

____ (бошқарувчининг Ф.И.О.) ____ (имзо)
№ ____ 200__ й. «__» ____ МЎ

ДСИ бошлиғи ____ МЎ
____ (Ф.И.О.) ____ (имзо)

(* Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарори билан тасдиқланган Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомга 3-илова)



БМТ Тараққиёт Дастури (БМТТД) БМТнинг ривожланиш соҳасидаги глобал тармоғи бўлиб, ўз олдида аъзо давлатларга билим, тажриба ва маблағ манбаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш орқали инсонлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар ясаш мақсадини қўйган. Биз 166 мамлакатда фаолият юритамиз; ушбу мамлакатларга ривожланишга оид глобал ва миллий муаммоларнинг ечимини топишларида кўмаклашамиз. Мамлакатлар ўзларининг салоҳиятларини ривожлантириш жараёнида БМТТД ходимлари ва кенг доирадаги ҳамкорларининг тажриба ҳамда билимларидан фойдаланадилар.

Тузувчилар: З. Зокиров, А.Кучкаров
Дизайнер: Р. Камбаров

Нашриёт уйи МЧЖ «BAKTRIA PRESS»
Лицензия АИ № 203 28.08.2011 й., АИ № 229 16.11.2012 й.
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йули мавзеси, 15-25
Тел.: +998 (71) 233-23-84

Босишга _____ 2014 рухсат этилди.
Бичими: 60 × 84 1/8. Босма табоғи: 4,0.
Адади _____.

МЧЖ «PRINT MEDIA»
100000, Тошкент, Ўзбекистон овози кўчаси, 32
Тел.: + 998 (71) 233-03-21

ISBN 978-9943-4280-5-8

